



**РЕСПУБЛИКА ҲУДУДИГА ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ВА ПСИХОТРОП
МОДДАЛАРНИ НОҚОНУНИЙ ОЛИБ КИРИЛИШINI ОЛДИНИ ОЛИШДА
ИДОРАЛАРАРО ҲАМКОРЛИК.**

Хайдаров Равшан Хайдарович

*(Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи,
доцент.*

Арипов Саидазим Арипович

*(Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси хузуридаги Фуқаролар
муҳофазаси институти инновация ва илмий тадқиқотларни бошқариш бўлими
бошлиғи, и.ф.н., доцент),*

Б.Ё. Абдуганиев

*(Давлат божхона қўмитаси Божхона институти доценти, кимё фанлари
номзоди, доцент.*

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 515-сон қарори бўйича божхона органлари томонидан республикага гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний киришига қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ёритилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига 2018-2021 йиллар мобайнида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний кириб келишининг олди олиниб, қўзғатилган жиноий ва маъмурий ишлар сони, товарлар қиймати кесимида баҳоланиб, ёритиб берилган.

**МЕЖВЕДОМСТВЕННОЕ ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ ПО ПРЕДУПРЕЖДЕНИЮ
НЕЗАКОННОГО ВВОЗА НАРКОТИЧЕСКИХ СРЕДСТВ И ПСИХОТРОПНЫХ
ВЕЩЕСТВ НА ТЕРРИТОРИЮ РЕСПУБЛИКИ.**

**INTERAGENCY COOPERATION TO PREVENT THE ILLEGAL IMPORT OF
NARCOTIC DRUGS AND PSYCHOTROPIC SUBSTANCES INTO THE TERRITORY OF
THE REPUBLIC**

В статье описывается предупреждение чрезвычайных ситуаций в Республике Узбекистан проводимая таможенными органами по противодействию контрабанде наркотических средств и психотропных веществ в соответствии с требованиями Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан «О дальнейшем совершенствовании государственной системы действий в подобных ситуациях» № 515 от 26 августа 2020 года. В частности, оценено количество уголовных и административных дел о



незаконном ввозе наркотических средств и психотропных веществ на таможенную территорию Республики Узбекистан за 2018-2021 годы.

The article describes the prevention of emergency situations in the Republic of Uzbekistan carried out by customs authorities to counter the smuggling of narcotic drugs and psychotropic substances in accordance with the requirements of the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan "On further improvement of the state system of actions in such situations" No. 515 dated August 26, 2020. In particular, the number of criminal and administrative cases on the illegal import of narcotic drugs and psychotropic substances into the customs territory of the Republic of Uzbekistan for 2018 - 2021 was estimated.

Калит сўзлар: *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси, божхона органлари, божхона ҳудуди, божхона хизмати, божхона кодекси, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, жиноий ишлар, маъмурий ишлар.*

Ключевые слова: *Государственный таможенный комитет Республики Узбекистан, таможенные органы, таможенная территория, таможенная служба, таможенный кодекс, наркотические средства и психотропные вещества, уголовные дела, административные дела.*

Key words: *State Customs Committee of the Republic of Uzbekistan, customs authorities, customs territory, customs duties, customs service, customs code, narcotic drugs, psychotropic substances, criminal cases, administrative cases.*

“Аср вабоси” номини олган гиёҳвандлик инсоннинг осуда ҳаётига раҳна солиб, онгини ўзига бўйсундирувчи захри қотилдир. Бу шундай қуролки, ўз домига илинтирган одамни разолат дунёсига етаклайди ва бу жараёнда инсон жамиятдаги ўрнини йўқота бошлаганини англамай қолади.

XXI аср инсон учун жуда кўп салбий унсурларни олиб келди. Терроризм ва диний экстремизм, гиёҳвандлик, қурол-яроғ, одам савдоси, фоҳишабозлик муаммолари, миссионерлар найранглари шундай иллатлар жумласидандир.

Сўнгги йилларда наркомания билан боғлиқ жиноятлар жиддий ташвиш ва хавотирларни келтириб чиқармоқда, айниқса, ёшлар бу жирканч иллатнинг асосий гирдобига тушмоқда. Ҳозирги кунда юртимиздаги барча манфаатдор идора ва ташкилотлар, кенг жамоатчилик дунё бўйича “Аср вабоси” деб тан олинган наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши курашишга кенг жалб этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, қанчалик қийин бўлмасин, биз ёшлар тарбияси бўйича ўзимизга хос ва таъсирчан, бугунги кунга ҳамоҳанг усулларни излаб топишимиз керак. Жондан азиз фарзандларимизни бузғунчи ва зарарли ғоялар, жиноятчилик, гиёҳвандлик, лоқайдлик, маънавий қашшоқлик кайфиятидан асрашимиз зарур. Соғлом турмуш тарзини олиб бораётган киши билиб-билмай бу кўчага кириб қолса, ўзининг тинч, фаровон ва бахтли ҳаётини қора зулматга айлантириши



айни ҳақиқат. Гиёҳванд киши нафақат ўзига, балки яқинларига ҳам тўхтовсиз азоб беради [1].

Ундан туғилажак фарзандлар эса ота-онасининг хатоси оқибатида бир умрга мажруҳлик қисматиға мубтало бўладилар. Зеро, фақат соғлом ота-онадангина соғлом зурриёд дунёға келади.

Ҳалқаро ташкилотлар томонидан ўтказилган мониторинглар натижасига кўра Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ аҳолисининг 15 ёшдан 64 ёшгача бўлган ҳамда умрида ҳеч бўлмаганда бир марта гиёҳвандлик воситалари қабул қилган қисми 2,21 миллион нафарни ташкил қилади. Мазкур регионда гиёҳвандлик воситаларини инъекцион тарзда истеъмол қилувчилар сони 338 000 кишини ташкил қилиб, уларнинг 7% ИТС (ВИЧ) инфекцияси билан касалланган беморлардир [2].

Божхона органи ходимлари гиёҳвандлик воситаларини республикаға киришини олдини олишға қарши қураршишни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 246-моддасига асосан амалға оширадилар. Унга кўра контрабанда, яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номға ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи, заҳарли, заҳарловчи, портловчи моддалар, радиоактив материаллар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни, шунингдек гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш ҳисобланади [3].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августидаги “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 515-сонли қарорининг 2 иловасида аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича вазирлик ва идоралар ҳамда бошқа ташкилотларнинг функциялари белгиланган [4].

Ушбу вазифалар вазирлик ва идоралар ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимининг Низомига асосан амалға оширилмоқда. Қарорға кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси аҳоли ва атроф табиий муҳит учун радиациявий, кимёвий, бактериологик (биологик), ёнғин хавфини туғдирадиган товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши ва ҳудудидан олиб чиқиб кетилишини назорат қилиш ва ҳисобини юритиш вазифаси юклатилган.

Ушбу йўналишдаги Давлат божхона кўмитасининг вазифаларидан бири республикаға гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонуний



олиб кирилиши, ундан олиб чиқилиши ҳамда муомалада бўлиши устидан назорат ўрнатиш ҳамда уларнинг ноқонуний айланувига қарши кескин кураршиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг олиб кирилиши, олиб чиқилиши ҳамда муомалада бўлиши бир қатор халқаро ва миллий қонунчилик нормалари билан тартибга солинган.

Гиёҳвандлик воситалари муомаласини тартибга солувчи халқаро даражадаги меъёрий ҳужжат бу “Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида” Ягона Конвенция ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 24 февралдаги 30- I-сонли «Гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги Ягона Конвенцияга қўшилиш ҳақида»ги қарорига асосан қўшилган [5].

Миллий даражада гиёҳвандлик воситалари муомаласини тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонунига ва бошқа қонунчиликка оид тартибга солинган. Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига биноан гиёҳвандлик (наркотик) воситалари - гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар тушинилади. Психотроп моддалар эса психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалардир. Охирги пайтларда республикамизда ёшлар ўртасида кучли таъсир қилувчи моддалар истеъмоли кескин равишда кўпайди. Ушбу препаратлар гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари ҳисобланиб, кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга ўхшаш, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этувчи, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалардир [6].

Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёда жойлашуви ва гиёҳвандлик унинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни етиштирувчи Афғонистон Республикаси билан чегарадош эканлиги шундай товарларнинг чегара орқали харакатида асосий хавфни ташкил қилади. Бу борада дунё ҳамжамияти кўп марта бонг уриши билан бир қаторда Россия, Европа, АҚШ каби давлатларнинг илмий мақолаларида аниқ ёритиб берилган [7]. Мазкур ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни Афғонистон Республикасидан Россия, Европа давлатларига ноқонуний ташиб ўтилишида транзит давлат сифатида роль ўйнашини келтириб чиқариши мумкин [8].

Ўзбекистон Республикасини гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний олиб ўтилишда транзит давлат вазифасини ўташини



олдини олиш, шунингдек республика аҳолисини гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг салбий таъсирларидан ҳимоя қилиш борасида божхона органлари томонидан муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрда қабул қилинган “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан божхона чегарасидан олиб ўтилиши, муомалага киритилиши тақиқланган ва чекланган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхати тасдиқланган.

Жисмоний шахслар томонидан шахсий фойдаланиши учун психотроп моддаларни даволаш курси доирасида олиб кириш ва олиб чиқилишига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рухсат берилади.

Айрим фуқаролар ушбу меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларга риоя қилмасдан, божхона назоратидан яширинча психотроп моддаларни республика ҳудудига олиб келишга уриниш ҳолатлари ҳам амалиётда кўп учрайди [9].

Ўзбекистон Республикасига гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний олиб кирилишига қарши курашиш бўйича 2018 - 2022 йилларда амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди [10].

Таҳлил натижаларига кўра тўрт йил мобайнида гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний олиб кирилишида аниқланган ҳолатлар ва уларнинг миқдорлари йилдан - йилга ортиб бориш динамикасида ўсаётганлигини кўриш мумкин.

1-жадвал

Ноқонуний тарзда опий ва героин гиёҳвандлик воситаларини республикага олиб киришга уриниш бўлганда ушланган ҳолатлар

№	Йиллар	жами		жиноий		маъмурий	
		ҳолат сони	Миқдори (грамм)	ҳолат сони	Миқдори (грамм)	ҳолат сони	Миқдори (грамм)
1	2018 йил	10	20 564,3	10	20564,3	0	0
2	2019 йил	26	10 391,6	26	10391,6	0	0
3	2020 йил	78	75 892	78	75 892	0	0
4	2021 йил	130	193 540	130	193 540	0	0

Шунингдек, айнан шу давр мобайнида гашиш ва марихуанани ноқонуний тарзда республикага олиб киришга уриниш бўлганда ушланган ҳолатларнинг таҳлили ҳам аниқланган ҳолатлар ва уларнинг миқдори йилдан йилга ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бу ҳолатларда аниқланган ҳолатлар юзасидан



кўзғатилган жиноий ишлар сони маъмурий ишларга нисбатан кескин кўп эканлиги, кам миқдорда гашиш ва марихуанани ноқонуний тарзда республикага олиб кириш ҳолатларининг кам эканлиги билан тасдиқланади.

2-жадвал

Ноқонуний тарзда гашиш ва марихуанани республикага олиб киришга уриниш бўлганда ушланган ҳолатлар

№	йиллар	Жами		жиноий		маъмурий	
		ҳолат сони	Миқдори (грамм)	ҳолат сони	Миқдори (грамм)	ҳолат сони	Миқдори (грамм)
1	2018 йил	127	22 577,8	126	22 577,3	1	0,5
2	2019 йил	231	44 133,6	229	44 132,6	2	1
3	2020 йил	358	66 711,4	355	66 709,9	3	1,5
4	2021 йил	589	110 845,0	584	110 842,5	5	2,5

2018-2022 йиллар мобайнида психотроп моддаларни ноқонуний тарзда республикага олиб киришга уриниш бўлганда ушланган ҳолатларнинг таҳлилига кўра, 2019 йилда ҳолатлар сони қолган йилларга нисбатан 2 - 3 марта ошган бўлса, миқдор жихатидан 2020 йилда қолган йилларга нисбатан бир неча 10 - 100 марта кўп миқдорда бўлган.

3-жадвал

Ноқонуний тарзда психотроп моддаларни республикага олиб киришга уриниш бўлганда ушланган ҳолатлар

№	йиллар	Жами		жиноий		маъмурий	
		ҳолат сони	Миқдори (грамм)	ҳолат сони	Миқдори (грамм)	ҳолат сони	Миқдори (грамм)
1	2018 йил	23	2 308,00	16	1 833,0	7	475,0
2	2019 йил	103	33 082,00	98	32 604,0	5	478,0
3	2020 йил	54	261 107,0	50	260 847,0	4	260,0
4	2021 йил	36	4 592,50	34	4 532,50	2	60,0

Божхона органлари республика ҳудудига гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний кириб келишини олдини олишда кўрик рентген қурилмалари, кинология химзатидан кенг фойдаланадилар.

Кўрик рентген қурилмалари бу боғхона назоратида қўлланиладиган техника воситаларининг асосий гуруҳларидан бири ҳисобланади. Бу қурилмалар қўл юки, багаж ва ўрта ҳажмдаги юкларни очмай туриб визуал



назорат қилиш имконини беради. Бу қурилмаларда тасвирни баҳолаш мақсадида бир қанча функциялар кўзда тутилган бўлиб, улар ёрдамида барча буюмларни бир-биридан фарқлаш мумкин бўлади. Натижада рангли мониторда турли моддалардан ташкил топган гиёҳвандлик воситалари ўзига хос рангда кўринади.

Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология марказига тегишли хизмати итлари ёрдамида қонунбузарликлар, жумладан гиёҳвандлик воситаларини аниқлаш борасида мўйян иишлар амалга оширилмоқда.

2020 - 2021 йиллар мобайнида хизмат итлари ёрдамида 321 қонунбузилиш ҳолати аниқланган бўлиб, умумий вазни 258 килограмдан ортиқ гиёҳванд моддалари ушлаб қолинган. Шунингдек, 38 ҳолатда ўқотар қуроллар, 20 қурол, 331 ўқ, 533 гильза, 400 дона капсула мамлакат ҳудудига ноқонуний олиб ўтилишга чек қўйилган.

Олиб борилган таҳлилий маълумотлар натижасида бир қатор хулосалар қилиш мумкин. Жумладан, божхона ҳудудига гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний кириб келишини олдини олиш бўйича энг охириги русумдаги назоратнинг техник воситаларини амалиётга жорий қилиш;

божхона ҳудудига гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний кириб келишини олдини олиш бўйича кинология хизматидан кенг фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 515-сонли қарори доирасида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан Давлат божхона қўмитаси ўртасида гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний кириши, сақланиши ва реализациясини олдини олиш бўйича “Ягона дарча” божхона ахборот тизими орқалаи электрон маълумотлар алмашинувини жорий қилиш;

чегара божхона постларида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан Давлат божхона қўмитаси ўртасида режали фавқулодда вазиятларда, шу жумладан кучли таъсир кўрсатадиган захарли моддалар олиб кирилиши ва олиб чиқилиши устидан кузатиш ва назорат қилиш хизматини ташкил этиш ва фаолиятига раҳбарлик қилиш бўйича ҳамкорликдаги ўқув машғулотилари ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон ёшлари” форумидаги нутқи.

2. Бирлашган миллатлар ташкилотининг Гиёҳвандлик воситалари ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг йиллик ҳисоботи.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2012-ХII-сон Қонуни.



4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг Фавқулотда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тузумини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 515 сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 24 февралдаги 30-І-сонли «Гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги Ягона Конвенцияга қўшилиш ҳақида»ги қарори.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуни.

7. Кабиров М.Х. Экспертное обеспечение оперативной деятельности таможенных органов Российской Федерации. Противодействие преступности в сфере незаконного оборота наркотиков в современных условиях. Сборник материалов круглого стола . г.Москва. 2017 г. стр. 68.

8. Рубцова М.В. Роль таможенных органов в борьбе с контрабандой наркотиков. Противодействие преступности в сфере незаконного оборота наркотиков в современных условиях. Сборник материалов круглого стола. г.Москва. 2017 г. стр. 104.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 330-сон қарори.

10. Давлат божхона қўмитаси расмий сайти базаси статистик маълумотлари/ <https://customs.uz/uz/news/view?id=8086/>